

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 ноябрь куни давлат объектларини хусусийлаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Иқтисодиётда давлат иштироки камайитрилиб, хусусий тадбиркорлик ривожига кенг ўрин берилмоқда. 2021-2022 йилларда давлат улуши бўлган корхоналар сонини камида 3 баробар қисқартириш режалаштирилган. Жорий йилда 4 триллион 500 миллиард сўмлик 619 та давлат активи сотилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётни ислох этишнинг устувор вазифаларидан бири бўлишини айтган эди.

Йиғилишда шу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари хусусийлаштиришнинг янги усулларини жорий этиш ва унинг барча босқичида очик-ошкораликни таъминлаш энг асосий масала эканини таъкидлади.

Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Шу мақсадда, нуфузли хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда, йирик тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, стратегик корхоналар бошқарувига халқаро малакага эга менежерларни жалб қилиш зарурлиги айтилди. Қиймати 10 миллион доллардан юқори бўлган активларни сотиш жараёнида тақлифларни

қабул қилиш ва уларни баҳолаш мустақил хорижий консултант томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Соҳада келгуси йилга мўлжалланган вазифалар ҳам кўп. Жумладан, 32 та йирик давлат активини сотиш, “Ўзсаноатқурилишбанк”ни хусусийлаштириш, давлат корхоналарининг 368 та носоҳавий ва самарасиз активларини савдога чиқариш режалаштирилган. Худудларда 770 та актив сотишга тайёрланган. Булар орқали бюджетга қарийб 10 триллион сўм тушум таъминланиши кўзда тутилган. Мутасаддиларга шу борадаги ишларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз давлат корхоналарига стратегик инвесторларни жалб қилиш, фақат мавжуд қувватларни

ишлатиш билан чекланмасдан, корхоналар фаолиятини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мисол учун, “Навоийазот” акциядорлик жамияти негизда учта алоҳида корхона ташкил этган ҳолда, “кимё саноати кластери” фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу кластер инфратузилмасини бошқариш учун тажрибали хусусий оператор жалб қилинади.

Давлатимиз раҳбари инвесторлар сармоя киритиш билан бирга янги лойиҳалар тақлиф қилиши, замонавий билим ва технологияларни олиб келиши муҳимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга, шуларни инобатга олган ҳолда, 2022 йил учун хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИДА ЭКОТУРИЗМ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари 8 ноябрь куни Айдар-Арносой кўллар тизимида экологик барқарорликни сақлаш ва экотуризмни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу ҳақда Шавкат Мирзиёев Навоий ва Жиззах вилоятларида бўлган сайловолди учрашувларида айтган эди. Йиғилишда шу борадаги аниқ режалар ва эришилладиган натижалар кўриб чиқилди.

Худудда экотуризмни ривожлантириш учун, аввало, сув ҳажми барқарорлигини таъминлаш, биохилмаҳиллики асраш кераклиги таъ-

кидланди. Кўллар атрофида қўшмча сайёҳлик зоналари ва дам олиш масканлари барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, Айдар-Арносой кўллар тизимининг мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, бу ерда балиқчиликни янада ривожлантириш кераклигига ургу берилди.

Бугунги кунда ушбу худуддан йилга бор-йўғи 4 минг тонна балиқ овланмоқда.

Шароит яратиш ва ишларни тизимли ташкил қилиш ҳисобига бу ҳажмни 20 минг тоннага етказиш ва бу орқали янги иш ўринлари яратиш мумкин. Шу боис тадбиркорларни жалб қилиб, кўлларни ижарага берган ҳолда, кластер усулида

балиқ етиштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундай лойиҳаларни кўпайтириш, кредитлар ажратиб, ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Айдар-Арносой кўллар тизимининг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди. Унинг доирасида кўллар ти-

зимда сув сатҳини барқарор сақлаш ва шўрланиш даражасини камайитириш чоралари кўрилади. Қирғоқлар бўйидаги 800 гектар ерда даракт ва буталар экилади.

Худудда экологик хавфсизликни кучайтириш, броконьерлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимиға бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган дастуриламал нутқи халқимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилиб, қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Зеро, чуқур таҳлилларға асосланган нутқ ҳозирги кунда долзарб бўлган бир қатор муҳим ташаббусларни ўз ичига олган.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида мазкур тарихий нутқдан келиб чиқувчи қўйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Хусусан, парламент қўйи палатасидаги **Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** фракцияси йиғилишида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида илгари сурилган тақлифлар бугунги кунда нафақат юртдошларимиз, балки халқаро эксперт ва кузатувчилар томонидан эътироф этилаётгани таъкидланди.

Етти йўналишдан иборат Тараққиёт стратегиясида адолат ва қонун устуворлиги — халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шарти эканлиги, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръат-

ларини замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бугун нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам бу — янги Ўзбекистонни қуриш йўлидаги энг тўғри стратегия эканлигини ҳақли равишда эътироф этмоқда.

Бугунги кунда қайси соҳа бўлмасин илм-фан асосида ривожлантирилса, мамлакат иқтисодиёти янада тараққий этиб бороверади. Шу боис давлатимиз раҳбари нутқида таъкидланганидек, мамлакатимиз миллий иқтисодиётини, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажминини янада ошириш мақсад қилинган.



ТОШКЕНТДА ДУНЁ ШАХМАТЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН КУРАШИШАДИ

Мамлакатимизда иқтидорли шахматчиларни тайёрлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ўтаётган йил давомида юртимиз шахматчиларининг халқаро мусобақалардаги иштироки сон ва сифат бўйича юксалганлигини алоҳида эътироф этмоқ лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарориди белгиланганидек,

худудларда ташкил этилаётган оммавий шахмат мусобақалари кундан-кунга ортиб бормоқдаки, бу эса салоҳиятли “ақл гимнастикаси” соҳибларининг сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.



■ Эътироф

ХАЛҚ МЕҲРИ ВА ИШОНЧИ

Президент Шавкат Мирзиёевга сайловда ғалаба келтирди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси сайланган Президентининг лавозимга киришишиға бағишланган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” мавзусидаги нутқи муҳим ғоя ва тақлифлар илгари сурилгани билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Зеро, унда олдиндаги беш йилликнинг энг муҳим йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

Шу вазифаларни бажаришда халқимиз

Президентимизға елкадош бўлади, албатта. Аслида, ўтган бешда йилда Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилган ислохотлар самарасини ўзининг ҳаёти, Ватанимиздаги янгиланишлар мисолида кўрган ва ана шу эзгу умушлар бундан кейин ҳам бардавом бўлишини хоҳлаган ҳамюртларимиз яна шу инсонни қўллаб овоз берганининг асосий сабаби ҳам шунда.

Бундай эътирофларни ҳар бир юртдошимиздан эшитиш мумкин.

3-саҳифаға қаранг. ➡

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИГА

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 7 йўналиши доирасида амалга ошириладиган устувор вазифалар



ДУНЁ НИГОҲИ

Халқаро экспертлар:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИНАУГУРАЦИЯ МАРОСИМИДАГИ ДАСТУРИЛАМАЛ НУТҚИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ РЕСПУБЛИКАНИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Янги сайланган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимиға бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи хорижий мамлакатлар жамоатчилиги, сиёсий ва эксперт доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Улар ўз фикр-мулоҳазаларида Ўзбекистон раҳбарининг иккинчи муддатға қайта сайлангани ўзбек халқи давлат раҳбари амалга ошираётган ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлаётганидан, уйдаланмаётган янгиланиш жараёни самарасидан далолат беришини таъкидламоқда.

Жан Брабандер, Бельгиянинг “Juscon” ҳуқуқий фирмаси асосчиси:



— Ўзбекистонни кўп йиллардан буюн яхши билишимни, ғўзал юртингиздаги ҳамкасбларим билан ишбилармонлик алоқаларимиз ривож топаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Айниқса, мамлакат Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида сўнгги беш йилда сезиларли ўзгарганини эътироф этиш менга қувонч бағишлайди. Иқтисодиётни эркинлаштиришдан тортиб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишгача бўлган барча соҳадаги кенг қўламли ислохотлар ҳеч бир хорижлик фуқаро эътиборидан четда қолгани йўқ. Бу жараён менга жуда яхши таниш, чунки ўтган йиллар мобайлида мамлакатнинг ютуқларини таққослаш ва кузатиш имкониятига эга бўлдим.

Ўзбекистон очиклик сиёсатини юрита бошлаганидан буюн хорижий инвесторларнинг республикага қизиқиши кескин ўсди. Инфра-тузилма ва шаҳарсозлик улкан ўзгаришларға юз тутди.

Мамлакатнинг ташқи сиёсат йўналишидаги ютуқлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Минтақавий сиёсат бўтунай янги динамикаға эга бўлди. Ўзбекистоннинг

минтақадаги барча давлатлар билан алоқалари яхшиланди, кўплаб бахсли масалалар ҳал этилди.

Мамлакатнинг БМТ йўналишидаги фаоллиги ошди, хусусан, кўплаб қизиқарли ва ўз вақтида илгари сурилган ташаббуслар бўйича халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватловига эришилди.

Президент сайловида Ўзбекистонда яна бир бор халқаро кузатувчи сифатида бўлиш насиб этди. Ислохотлар самарасида аҳолининг фуқаролик фаоллиги ошганини алоҳида таъкидлашни истайман. Фуқароларнинг сайлов участкаларидаги фаол иштироки барчамизни ҳайратга солди.

Ўзбекистон Президентининг инаугурация маросимидаги дастуриламал нутқида белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилиши республикани тараққиёт сари етаклайди.

Ҳамдий Абу ал-Анаён, Миср савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари, “Миср — Ўзбекистон” дўстлик жамияти аъзоси:

— Ўзбекистон Президенти сайловида ғалаба қозонган Шавкат Мирзиёевнинг расмий инаугурация маросимиға бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси давомида айтилган фикрлар бардавом ривожланаётган дўст Ўзбекистон тараққиётида янги муҳим давр бошланганини намоён этди.



Халқаро экспертлар:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИНАУГУРАЦИЯ МАРОСИМИДАГИ ДАСТУРИЛАМАЛ НУТҚИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ РЕСПУБЛИКАНИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ

◀1

Менга шу йил 24 октябрь куни ўтказилган Президент сайловида кузатувчи сифатида қатнашиш шарафи nasib этди. Наманган вилоятида 10 га яқин сайлов участкаларида бўлдим. Ушбу сиёсий тадбир ошқора, шафроф ва демократик тамойилларга мос равишда ташкил қилинди. Сайлов Президентликка номзодлар ўртасидаги кескин кураш, очиқлик ва рақобат шароитида ҳамда аҳолининг фаол иштирокида ўтди.

Мамлакатингизда турли соҳалар тараққий этгани, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгаргани ва ободонлаштирилгани, хусусан, қатор инфратузилма лойиҳалари ва йирик саноат корхоналари бунёд этилганининг гувоҳи бўлдим. Масалан, Наманган вилоятида тўқимачилик бўйича 10 га яқин йирик корхоналар фаолият юритаётгани эътиборга лойиқдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда, аниқроғи, 2016 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келгандан сўнг мўътабар диёрингизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданият, таълим-тарбия ва диний соҳаларда мисли кўрилмаган турли ислохотлар амалга оширилмоқда.



— Аввало, Ўзбекистон халқини мамлакат тарихидаги муҳим кун — Президент Шавкат Мирзиёевнинг расмий инаугу-

Мамлакатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик таъминланган. Буларнинг барчаси мамлакат тараққиёти ва ўзбек халқи фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи дунё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалари, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тез суръатларда ривожланмоқда. Бу мамлакатингиз етакчиси бошчилигида тadbirkorликни ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларга хорижий сармояларни жалб қилишга амалда кенг қулайликлар, имтиёзлар яратилгани самарасидир.

Мен Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган, янги Ўзбекистонда амалга ошириладиган 7 та асосий йўналишни акс эттирувчи Тараққиёт стратегияси билан танишиб чиқдим. Бу ҳужжат том маънода давлатингиз етакчиси ташаббуси ва раҳбарлиги остида муваффақиятли амалга оширилган бешта йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми ҳисобланади.

Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро тоʻтувлик ва диний бағрикенглик бардавом бўлсин. Ўзбекистон ва Мисрни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин.

Владимир Гальперин, Латвиядаги Ўзбекистон савдо уйи раҳбари:

рация маросими билан табриклайман.

Сўнгги йилларда давлат раҳбари раҳнамолигида жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳаларида изчил ўзгаришлар амалга оширилди. Давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш йўлида тизимли ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Мохд Ҳамди Абд Шукор, Малайя университети ректори, Малайзия давлат университетлари ректорлари қўмитаси раиси:



— Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиб, мамлакатингиз, унинг бой тарихий-маданий мероси, илмий, таълим-тарбия ва интеллектуал салоҳияти, анъана ва урф-одатлари, ўзбек халқининг ажойиб меҳмондўстлиги билан яна бир бор танишиш шарафига муяссар бўлдим.

Ўзбекистонга илк бор 2012 йилда сафар қилган эдим. Ўшандан бери мамлакатда жуда ҳам кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилганини ишон билан айта оламан. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган ис-

Сайд Али Асад Филоний, Покистон элчиси:

— Ўзбекистон халқини мамлакат тарихидаги ушбу буюк кун — Президент Шавкат Мирзиёевнинг расмий инаугурация маросими билан табриклайман. Биз бу тарихий кунни Ўзбекистон тараққиёти-да янги давр бошланган сана сифатида баҳолаймиз.

Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг

асосланган демократик ҳуқуқий давлат куриш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлганини қайд этишни истардим. Сайлов натижалари мамлакат ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Шавкат Мирзиёевнинг олий давлат лавозимига қайта сайлангани янги Ўзбекистон бунёд қилиш жараёни қатъий олиб борилишини, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва интеллектуал салоҳиятни қўллаб-қувватлаш, барча соҳани янада чуқурроқ эркинлаштириш давом этишини англатади.

истикболлари ҳақида ҳам жуда ижобий фикр-даимиз. Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг жорий йил июль ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорлик ривожига муҳим воқеа бўлди.

Шунингдек, йил давомида икки мамлакат юқори мартабали делегацияларининг бир неча муҳим ташрифлари амалга оширилди.

Ўзаро муносабатларимиз янада ривож топавериши ва мустақамланишига ишончимиз комил.

тараққиётга етаклаши, иқтисодиётни модернизация қилиш, давлат бошқаруви ва жамиятнинг эркинлаштиришга ҳисса қўлиши, шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Шавкат Мирзиёевнинг ислохотчилик сиёсатининг бош мақсади биринчи навбатда, ўзбек халқининг фаровонлигига қаратилган. Келажакда Ўзбекистон халқини фаровон ҳаёт кутаётганига ишончим комил.

Кристино Тодерич, Тоттори университети профессори (Япония):

— Ўзбекистон халқини амалдаги Президент қайта сайлангани билан чин юракдан табриклайман. Бу кенг кўламли ислохотларни давом эттириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва янги Ўзбекистонни жадал куриш демакдир.

Сўнгги 5 йил мобайнида республикада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ички ва ташқи ҳаётидаги янгиланиш жараёни халқаро ҳамжамият томонидан тан олинди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси қанчалик ўзгарганига қаран! Оддий инсонларнинг ички ишонч руҳи мустақамланди, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ошди.

Мамлакатда илгари тасаввурга ҳам сиймайдиган ўзгаришлар кузатилмоқда. Бунини оммавий ахборот воситаларининг очиқлиги ва фаоллигида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, мен янгиланган лентасидаги хабарлар билан танишишга улгурма-яман. Уларда нафақат миллий даражадаги воқеаларга, балки кичик қишлоқлар, хонадонлар, тadbirkorлар, ёшлар ҳаёти ҳақидаги янгиланган ҳаёт қиёфаси ҳам катта ўрин берилмоқда. Хабарлардаги фикрларнинг ранг-баранглигига эътибор қилинг: янгиланиш жараёнида фохланиш туйғусидан тортиб, ёшларнинг баъзи мавзулар бўйича кескин танқидларига чам кенг янграмоқда. Россия айтилганда, бундай танқидлар конструктив мазмунда эканини таъкидлаш керак. Одамлар мавжуд муаммоларни ўртага ташла-



моқда, уларни тезкорлик билан бартараф этиш йўллари бўйича тақлифлар бермоқда.

Ёш мутахассисларнинг ҳар томонлама камол топиши учун барча эшиklar очик. Мамлакат саноатининг муҳим тармоқларида раҳбарлик лавозимларида ишлаётган ўз ишига, халқига фидойи ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Ёшлар учун янги имкониятлар ва истиқболлар тақдим қилинмоқда, уларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва умидларини рўйбга чиқариши учун маблағлар ажратилмоқда.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, эътиборга молик. Университетлар ва талабалар сони ортиб бормоқда. Халқаро тажрибага мувофиқ университетларнинг таълим дастурларига мутлақо янгича ёндашувлар жорий этилмоқда. Олий таълим муассасалари биринчи марта халқаро рейтингларда қайд этилди.

Япония университетлари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирмоқда. Нафақат талабаларга дарс бериш, балки ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш, янги ахборот технологияла-

рини жорий этиш, агробизнесни ривожлантириш, агробизнес хилма-хиллигини сақлаш, табиий ва маданий қадриятларни муҳофаза қилиш йўналишларида алоқалар мустақамланмоқда.

Бугунги кунда Япония ва Ўзбекистон университетлари ва илмий-тадқиқот институтлари консорциуми билан ҳамкорликда Япония ҳукуматининг “САТРЕПС” дастури доирасида сўвдан фойдаланиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш, Оролбўйи минтақасида шўрланишнинг ҳосилдорликка ва турмуш тарзига таъсирини камайтиришга қаратилган инновацион технологияларини ишлаб чиқиш бўйича Марказий Осиёда биринчи кенг кўламли лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб бораёман.

Лойиҳа қишлоқ хўжалигини оптималлаштириш, шўрланиш ва сув танқислигига қарши курашиш, маҳаллий фермерларнинг барқарорлигини ошириш мақсадида Оролбўйида ички қишлоқ хўжалиги концепциясига асосланган илгор технологиялар ва “ноу-хау”ни ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Президентининг давлат раҳбари сифатида қайта сайлангани мисли кўрилмаган имкониятлар эшигини очди. Халқ ундан самарали фойдаланишни керак. Ишончим комилки, кейинги беш йил ҳаётнинг барча соҳасида янада катта ижобий ўзгаришлар даври бўлади.

«Дунё» АА.

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР МУҲОКАМАСИ



◀1

Йиғилишда айна шу масалалар ҳақида сўз борар экан, тadbirkorлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкчини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш ЎзЛиДеП ва унинг парламентдаги фракциясининг доимо эътибор марказида бўлиши таъкидланди.

Сўз олган депутатлар Ўзбекистон тарихида тadbirkorлар учун бундай катта имкониятлар ва енгилликлар бўлмаганини, улар бу даражада қўллаб-қувватланмаганини айтиб, бизнес вакиллари бекйёб ҳаммуҳрига жавобан иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида ўзларининг бунёдкорлик ва яратувчанлик хусусиятларини намоян этган ҳолда, янги Ўзбекистон раванки йўлида астойдил, ҳалол хизмат қилишни билдирди.

Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар муҳим ўрин тутиши, Олий Мажлис фаолиятини янада тақомиллаштириш, халқимиз кутаётган, янги Ўзбекистон ривожини тезлаштиришга хизмат қиладиган қўнунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тақбиқ этиш, қўнун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият берилиши қайд этилди.

Ушбу тарихий нутқда бу борада парламент томонидан мамлакатимиз бўйича муҳим ҳаётли ишлар ҳолати назоратга олиниши, жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисоботини эшитиш ва унинг натижасига мувофиқ, уларга нисбатан таъсирчан чоралар қўриш масаласи айтилдики, шубҳасиз, бу ЎзЛиДеП фракциясини зиммасига катта масъулият юклайди.

Йиғилишда Президентимиз нутқидан келиб чиқадиган чора-тадбирлар режаси белгиланган.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги **“Миллий тикланиш” демократик партияси** фракциясини йиғилишда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳақиқатан ҳам, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг

жони ва руҳи — маънавиятдир. Шу боис маросимда давлат раҳбари томонидан “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш тақлифи илгари сурилди.

Шунингдек, боғча тизимини мактаб таълими билан уйғунлаштириш орқали болаларимизни мактабга тайёрлаш сифатини янада яхшилаш, мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида ўнлаб янги-янги мактабгача таълим муассасалари барпо этилиши айтилиб, боғчалар ҳар йили 2 миллион хуснадаги замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаб борилиши қайд этилди.

Нутқда боғча ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини юксалтириб бориш гоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шу мақсадда тизимдаги 160 минг нафардан зиёд педагог кадрларнинг малакаси оширилиши, болалар сони ўсиб бораётганини инобатга олиб, янги мактаблар қуриш, мавжудларнинг моддий-техника базасини мустақамлашга, соҳанинг барча босқичи ўртасида узвийлиқни таъминлашга қаратилган Миллий таълим дастури ишлаб чиқиш айтилдики, бу “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси зиммасига катта масъулият юклайди.

Шундан келиб чиқиб, фракция мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 62 фоиздан камида 80 фоизга, олий таълим тизимида эса 50 фоизга етказиш, мактабларда ўқув-тарбия сифати ва даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратади ва бу борадаги ишлар партиянинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги **“Адолат” СДП** фракциясининг навбатдаги йиғилишида ушбу нутқдан келиб чиқадиган долзарб вазифалар белгиланган.

Таъкидланганидек, бугун халқимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга хайрхоҳлик ва қатъий ишонч билан қарамоқда. Бунда ҳар бир фуқаро ислохотларнинг ҳосили ва самарасини тезроқ қўриш ва унда иштирок этишни истамокда. Ана шу ҳақли талабни инобатга олган ҳолда, Президентимиз ташаббуси билан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилиб,

сайлов жараёнида у ўзига хос умум-халқ муҳокамасидан ўтказилди.

Ушбу муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий гоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Йиғилишда депутатлар юқоридагилардан келиб чиқиб бундан буён, сайловчилар билан учрашувларда аҳоли томонидан келиб тушадиган муҳим ҳаётли назоратга олиш билан кечаниб қолмай, балки маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда муҳим ҳаётли тизимли равишда ҳал қилиш чораларини қўриш қайд этилди.

Яна бир муҳим вазифа — айна вақтда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тақомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш бўйича кўпгина вазифалар ўз ичросини қўймоқда. Келгусида депутатларнинг маъмурий судлар фаолиятини халқаро андозалар асосида тақомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиши, албатта, жамият тараққиётига, биринчи навбатда, унинг иқтисодий раванкига хизмат қиладди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда тақлиф ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида мазш нутқда белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг тантанали маросимдаги нутқидан келиб чиқадиган муҳим вазифалар хусусида сўз юритилди. Илк марта Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтган Президент сайлови халқимизнинг руҳи кўтаринки эканини, бирдамлик, ҳам-жиҳатлик туйғуси баланд эканини, энг муҳими, ҳеч ким юрт, Ватан тақдирини қебфарқ эмаслигини кўрсатгани таъкидланди.

Сўз олганлар Тараққиёт стратегиясидан Ўзбекистонни ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши белгиланганлигини, уларнинг ҳар бирида мамлакатда янги босқичдаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини таъминлашга оид аниқ чора-тадбирлар, тақлифлар ўз аксини топганини, стратегиядаги йўналишларнинг барчаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига ҳамда электорати манфа-

атларига мос ва ҳамоханг эканлигини қайд этди.

Мамлакатимиз раванки, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларидан келиб чиқиб, муҳим чора-тадбирлар белгиланганлигини айтиб ўтилди. Хусусан, бу борада стратегияда илгари сурилган барча йўналишдаги вазифаларни бажариш жараёнида партия фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилиши таъкидланди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг ушбу дастуриламал маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП олдига турган вазифалар белгиланган.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги **Ўзбекистон Экологик партияси** фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқи кенг муҳокама қилинди.

Ўртада экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Кунин кеча содир бўлган кум бўронлари бунга яққол мисолдир. Чўнки бугунги кунда Орол денгизининг қуриши билан бўлиб ўтган вазият тобора кескин туооқмоқда.

Давлатимиз раҳбари нутқида бу борада Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга тақбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятни жадаллаштириш кераклиги, жорий йил август ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги конференцияда қабул қилинган қарор ва ҳужжатларнинг изчил бажарилиши учун халқаро ҳамкорларимиз билан зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган барча ҳаётли ташаббуслар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилган ҳолда, бу борада Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги Экологик партия фракцияси олдига турган муҳим вазифалар белгиланган.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ МАРРАЛАР ТОМОН ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқи халқимиз, Ватанимиз ҳаётидаги энг ёрқин тарихий воқеалардан бири бўлди, десак, муволафа эмас. Айниқса, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси илгари сурилгани бугунги кунда нафақат юртдошларимиз, балки халқаро эксперт ва кузатувчилар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.



Тараққиёт стратегияси мамлакатимиз ривожланишининг турли соҳаларини ўз ичига олган бўлиб, “Инсон — жамият — давлат” деган янги тамойил асосида қурилган. Эътиборли жиҳат, давлатимиз раҳбари эришилган ютуқларни том маънодаги янги Ўзбекистонни барпо қилиш йўлидаги дастлабки қадамлар, деб баҳоламоқда. Бутун халқимизни доим марралар баланд олишга, ислохотларни янада жадалроқ давом эттиришга даъват қилмоқда. Шу боис Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига мамлакатимизнинг кейинги беш йиллиқдаги раванки қамраб олинди.

Стратегия етти йўналишдан иборат бўлиб, унда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати ва унинг қўнуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар янги поғонага кўтарилиши, адалат ва қўнун устуворлиги — халқчил давлат куриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шарти, миллий иқтисодиётини, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланган. Бугун нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам бу — янги Ўзбекистонни қуриш йўлидаги энг тўғри стратегия эканлигини ҳақли равишда эътироф этаётгани боиси ҳам шунда.

Бугунги кунга келиб, ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудрати илм-фан раванки, етук кадрлар билан ўлчангати. Қайси соҳа бўлмасин илм-фан асосида ривожлантирилса, мамлакат иқтисодиёти янада юксалиб бораверади. Шу жиҳатдан Президентимиз мамлакатимиз миллий иқтисодиётини, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида тараққий эттириш, мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган янги ички маҳсулот ҳажминини янада оширишни мақсад қилган.

Ишонч билан айтиш мумкинки, 2030 йил-

га бориб Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутиляпти. Бу борада “хом ашёдан — тайёр маҳсулотгача” деган тамойил асосида “драйвер” соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш, иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиш учун, аввало, макроекологик дий барқарорлиқни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш чоралари амалга оширилиши илгари тарихда бўлмаган муҳим воқеалардир.

Шунинг баробарида, бошқа масалаларда ҳам яқин истиқболда хусусий сектор вакилларига енгилликлар, имтиёзлар берилади, ҳар жиҳатдан қўлайликлар яратилади. Хусусан, бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилиб, тadbirkorлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкчини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошланган ислохотлар қатъий давом эттирилади.

Айниқса, давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёни тезлаштириш иқтисодиётини ислоҳ этишнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолиши, эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тadbirkorлар энергия ресурсларини балан қафолатли таъминлашини бундан буён ҳам юртимизда фаолият юритаётган минг-минглаб тadbirkorлар давлатнинг эътиборида бўлади, улар эркин ва самарали фаолият юритиши учун давлатимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар яратиб берилади, деганидир.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва унинг миллионлаб аъзолари, депутатлик корпуси зиммасидаги масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда, инсон қадри ва фаровон ҳаёти учун кейинги беш йилга мўълажалланган улкан ислохотларни амалга оширишда бор куч ҳамда имкониятларини сафарбар этади.

Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

ХАЛҚ МЕҲРИ ВА ИШОНЧИ

Президент Шавкат Мирзиёевга сайловда ғалаба келтирди



Дарҳақиқат, 2016 — 2021 йиллар халқимиз учун асрлар юкини кўтарган давр бўлди...

Жамиятда хато ва муаммолар тўпланиб қолганди. Тўғриси, юрадиган йўлларимиз боши берк эди. Ҳатто, истиқлол ҳам миллатни тўла бахтиёр қила олмади... 2016 йилда Шавкат Мирзиёевга мана, нималар мерос қолганди. Ушанда у қанчалар оғир вазиятда давлат бошқарувига келди. Кутиб туришга, ҳатто, узоқ ўйлаб қўришга вақт йўқ, шошилинч, тез-кор қарор қабул қилиш зарур эди. Халқнинг сабр қосиси тўлган, асаблар таранглашган синовли кунлар...

Етакчимиз дастлаб жаҳонга чиқиш йўлини топишга киришди. Аввало, юрт ва миллатга тоза ҳаво зарур эди. Ўзбекистон ўз “дера-за”ларини дунёга кенг очди. Марказий Осиё-даги чорак асрлик мураккаб вазиятга санок-ли кунларда ечим топилди. Йигирма беш йил-лик “муз” эриди, совуқчилик барҳам топди. Атрофдагилар билан муносабатнинг ахшлан-иши нафақат ўзбекистонликлар, балки Мар-казий Осиё давлатларида яшаётган қардош ва жондошларимизда ҳам умид йўғотди.

Ўзбекистон ўзининг минтақадаги етакчи-лик ўрнини бутунлай йўқотиб, аяккаланиб қол-ганди. Натижада халқимиз, айниқса, ёшлар ўз келахагини чет элда яшаш, ишлаш ва ўқишда кўра бошлаганди. Очирқок айтилса, давлатга бўлган ишонч йўқолганди. Президентимиз бошқарувдаги илк қадамидаёқ халққа ана шу ишончини қайтаришга интилди. Давлат ва халқ ўртасидаги бўшлиқни йўқотишга бел боғлади. Зеро, ишонч тик-ланиши мамлакатдаги барқарорлик ва бир-дамлик асосидир.

Дунёдаги барча нуфузли ташкилотлар эши-ги Ўзбекистон учун очилди. Халқаро молия институтлари биз билан алоқа ўрнатишга ки-ришиб, ўзининг хизматларини тақдиф эта бошлади. Халқаро тақик, санкция ва эмбар-голар олиб ташланди.

Мамлакатимиз билан мулоқот қилишни ис-тамайдиган Америка, Европа давлатлари Ўзбекистонга интила бошлади. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида ҳам ички, ҳам ташқи си-ёсатда бурилиш ясаши зарур эди.

Халқимизда ўзгаришлар ва янгиликларга кўникиш, талаб ва истакнинг борган сари ошиши кузатилди. Одамлар онг ва тафакку-рида кечаётган фикр-ғоялар, жамият ҳаётида ўз акс садосини бера бошлади. Қўрқув йўқол-ди, таққилар тўхтади. Инсон ҳуқуқлари бош мақсадга айланди. Матбуот эркинлигини таъ-минлаш борасида халқаро талабга сўзсиз амал қилинди.

Миллат фикрсизлик синдромидан халос бўлди. Бу ўта дахшатли синдром бўлиб, мил-латнинг онгу тафаккурини фалаж қилишга қаратилган эди. Ҳеч ким, ҳеч қандай соҳада фикр айтмаслиги, ягона фикр ҳукмронлигини юзага келтирганди. Буларнинг барчаси тез ва қисқа муддат ичида бартараф этилди. Ҳу-қуқган-қутмаган воқеликлар ҳаётимизни бутун-лай ўзгартириб юборди.

Мустабид тузумдан мерос бўлиб ўтган, халқимиз ҳам қабул қилган, кўнканан мажбу-рий меҳнатнинг асрий азобиغا, ҳўрликлари-га, қийноқларига нукта қўйилди. Мажбурий меҳнат нафақат катталар, балки гўдакларни ҳам аяб ўтурмасдан ўз домига тортар эди. Бу қийинчиликлар Шавкат Мирзиёев жасо-рати билан бутунлай тугатилди. Миллат эркин нафас олди. Миллат ўз раҳбарининг меҳрини ҳис этди. Миллатда ҳам, ўз навба-тида. Йўлбошчисига нисбатан меҳр туғилди.

Кейинги ўттиз йилда биринчи марта Вата-нимизни ташлаб, четга чиқиш кетган мута-хассисларнинг Ўзбекистонга қайтиши куза-тилди.

Давлат раҳбари хориж сафарларида, ал-батта, ўзбекистонликлар билан учрашиб, улар-ни Ватанга қайтишга даъват қилди. Тарихда биринчи марта, ноёб истеъдод соҳибларин-нинг чет элларга чиқиш кетиши, ишлаши жуда катта хато бўлганлиги, уларга нисбатан но-хилислик қилинганлиги тан олинди.

Мамлакат жозибадорлигини ошириш бо-расида ҳам улкан ислохотлар қилинди. Инвестиция сиёсати бутунлай қайта қўриб чиқилди. Инвесторларни жалб этиш бораси-да Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчиона-лари зиммасига ҳам вазифалар юклатилди.

Янги Ўзбекистон тушунчаси ҳаётимизга жа-дал кириб келди. Нафақат Ўзбекистон, балки бутун халқ янгиланишга юз тутди. Бу нимани англатади? Шахс миллат ва мамлакат тақди-рини ўзгартиришга қодирлигини кўрсатади. Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида юз бер-ган бу тарихий ўзгариш ва янгиланишларни ким инкор эта олади? Ҳеч ким. Булар Шавкат Мирзиёевга ҳаёқ эди. Бу ҳақиқатни бугун дўст ҳам, душман ҳам тан олади.

Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида яшаётган юртдошларимиз билан мулоқот ас-носиди икорр бўлдики, мамлакатимизда ке-чаётган ислохотларга улар бефарқ эмас. Юртдошларимиз дунёқарашидаги бу ижобий

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик лавозимига киришиши муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи бутун халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Зеро, унда келгуси беш йилликка мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тақдим қилинди.

Тантанали маросимни кузатарканмиз, охириги беш йилликда турли соҳа ва жабҳаларда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари кўз олдимдан ўтди.

ўзгаришлар ҳамда ислохотларга дахлдорлик ҳисси ҳар кимни қувонтириши, табиий.

— Шавкат Мирзиёев 2016 йилда Президентлик вазифасига киришиши билан Қўшработга келганди, — дейди тadbirkор Тожиҳол Тоғаева. — Тўғри, бунгача ҳам ту-манимиз бу кишининг эътиборида бўлиб кел-ган. Айнан шу эътибор туфайли ўтган беш йил ичида Қўшработ бутунлай ўзгарди, янги-ланди, саноатлашди.

Ўз ҳаётим мисолида айтадиган бўлсам, 2018 йили юз ўринли хусусий мактабга таъ-лим муассасаси очдим, кейинги йили тикув цехи, ўтган йилда узумчиликка ихтисос-лаштирилган фермер ҳўжалиги ташкил қилдим.

Бугун Қўшработда тadbirkорлар кўп. Улар-нинг Президент Шавкат Мирзиёевга нисба-тан меҳри ва ишончи ниҳоятда юксак.

— Бугун ўтган даврни ўзаро мўқиясалаш имконига эгамиз. Агар охириги беш йилни олиб кўрсак, олдинги даврлардагидан юки оғир ке-лиши аниқ. Ҳаётий тажрибам асосида шу ҳу-лосага келдимки, халққа иложсиз, деб ай-тилган кўп муаммоларга ечим топса бўлар экан, — дейди Каттакўрғон шаҳридаги “Но-қис” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби Фазилат Абдуллаева.

— Масалан, электрни олиб қўрайлик. Йиги-лиш бўлиб турган пайтда чирок ўчиб қол-ганига ҳам кўп гувоҳ бўлганмиз. Ҳозир, ҳатто, узоқ қишлоқда ҳам чирок ёниқ.

Бир пайтлар йўқ электр энергияси, табиий газ ва сув учун одамлар маошидан ноҳақ пул ушлаб қолинганини ҳам кўрдик. Бундан ортиқ бедодлик бўладими? Каттакўрғон бир пайт-лар саноат шахри бўлган, ўнлаб йирик кор-хоналар бор эди. Барчаси йўқ бўлиб кетган-ди. Аҳолининг катта қисми, асосан, ёшлар четга чиқиш кетишга мажбур бўлди. Шавкат

“Янги Ўзбекистон тушунчаси ҳаётимизга жадал кириб келди. Нафақат Ўзбекистон, балки бутун халқ янгиланишга юз тутди. Бу нимани англатади? Шахс миллат ва мамлакат тақдирини ўзгартиришга қодирлигини кўрсатади. Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида юз берган бу тарихий ўзгариш ва янгиланишларни ким инкор эта олади? Ҳеч ким. Булар Шавкат Мирзиёевга ҳаёқ эди. Бу ҳақиқатни бугун дўст ҳам, душман ҳам тан олади.”

Мирзиёев бошқа жойларда бўлгани каби Кат-такўрғон шаҳрига ҳам янгидан ҳаёт бағиш-лади. Бунёдорлик, ободлик ва фойз-барака яна қайтди.

— Ўттиз йилдан буён Самарқанд туманида тadbirkорлик қиламан. Охириги беш йилда фаолиятимиз бутунлай ўзгарди, тараққий этди. 2016 йилда фермер ҳўжалигимизда 41 ишчи бор эди, ҳозир 10 баробар ошди, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашидаги ЎзЛиДеП гурӯҳи аъзоси Хайдар Уроқов. — Шу давр ичида фермер ҳўжалиги-мизда тухум этиштириш бир ярим, парранда гўшти тайёрлаш икки ярим марта кўпайди. Маҳсулотларимизни ички бозордан ташқари, қўшни давлатларга ҳам экспорт қиляпмиз. Қувонарлиси, бизнинг маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб тобора ортмоқда. Сўнгги йил-ларда импортёрдан экспортёрга айланди.

Бир пайтлар вазият бутунлай бошқача эди. Ўртимиздаги мавжуд ҳўвуд тadbirkорнинг ри-вожланишига тўсқинлик қиларди. Солиқ юки оширилиши “яширин иқтисодиёт”га кенг йўл очганди. Бир сўз билан айтганда, тadbirkор-лик соҳаси оёғи тушоаланган эди. 2016 йил-да бошлаб Президент тadbirkорликни ри-вожлантириш мақсадида қатор қарор ва фармонларни имзолади. Тadbirkор ишига ташқаридан аралашува чек қўйилди. Ҳар хил қоғозбозлик ва бюрократик тўсиқлар олиб ташланди.

Ҳа, бугун ишлайдиган, бизнесни кенгайти-радиган замон келди.

Каттакўрғон туманидаги 4-мактаб дире-ктори, халқ таълими аълочиси Олдуз Ҳамроева шундай хотирлайди:

— Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти-да раҳбар бўлиб ишлаган пайтида мен ўша вақтда фаолият юритган 17-мактабга таъ-риф буюрган эди. Ишонч билан айта ола-манки, таълимдаги ислохотлар айта олади. 2001 — 2003 йилларда вилоятимиздан бош-ланганди. У пайтда ҳеч қандай давлат дасту-ри ҳам йўқ эди. Мактабларга маблағ ажра-тилмасди. Яширишининг ҳожати йўқ: ота-она-лардан пул йиғиб, мактабни номигагина таъ-

мирлаб, фаолият кўрсатардик. У киши таъ-рифидан сўнг мактаб таниб бўлмас қиёфага кирганди. Тарихда биринчи марта мактабга компьютер синфи берилди. Мактаб тўла таъмирланди.

Яна бир гап. 2014 йилда судландим, ҳақ-ҳуқуқларим поймол этилди. Лекин мени на туманда, на вилоятда ва на республикада ҳеч ким тингламади. 2016 йилда Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувига келиши бил-ан адолат қарор топди. Бунинг учун у киши-дан бир умр миннатдорман.

Самарқанд давлат университети Катта-кўрғон шаҳар филиали талабаси Мўхлиса Ҳабибуллаева қувончини шундай изоҳлайди:

— Бу йил ҳаётдаги энг катта орзуларим-дан бири ушалди — талабаликка қабул қилин-дим. Ўтган йили ўқиймига ота-онам қарши бўлганди. Боиси улар буни қизининг бошқа шаҳарда ўқишга рози бўлмаслик билан изоҳ-лашганди. Чиндан ҳам, олий ўқув юртлари-нинг аксарияти пойтахтимиз ёки вилоят мар-казларида эканлиги мен каби кўплаб ўзбек қизларининг олий маълумот олишига тўсқин-лик қиларди.

Президентимиз ташаббуси билан Самар-қанд давлат университетининг Каттакўрғон шаҳар филиали очилди, айниқса, хотин-қиз-лар учун аниқ муддао бўлди. Бугун ўз шаҳ-римда, ўз уйимда, ота-онамнинг кўз олдига таълим олмоқдаман. Бу ҳам бўлса, давлати-миз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқил-ган олий таълимини халққа яқинлаштириш кон-цепцияси шарофатидандир.

— Бундан беш йил олдин 100 нафар ишчи-ходимимиз бор эди. Айни пайтда 600 нафар-га етди, — дейди тadbirkор Бахтиёр Одилов. — Тожикистон Республикасида курган заво-димизда эса 200 киши ишляпти. Беш йил

олдин у ерга боролмасдик. Ҳозир бемалол бориб-келяпмиз.

Президент тadbirkорлар билан учрашув ўтказгандан сўнг яна 2 та завод куриш ва қўшимча 800 та иш ўрни яратиш нияти ту-ғилди. Буни ҳам, албатта, уудалаймиз. Бу им-кониятларни Шавкат Мирзиёев яратиб бер-ди. Бугун юртимиз тadbirkорларни нафақат ўзимизда, балки Марказий Осиёнинг кўплаб шаҳарларида ўз бизнесини очишга интилоқ-да. Агар Марказий Осиё давлатлари ўртаси-даги чегаралар очилмаганда эди, биз бундай имкониятга эга бўлолмасдик.

— Журналист бўлганим сабабли кўпроқ халқ орасида юраман. Одамлар Шавкат Мирзиёевдан рози. Бунинг асосий сабаби кейинги беш йилдаги туб ўзгаришлар — хал-қимизнинг турмуш даражаси юксалди, инсон қадри ошди, — дея фикр билдиради “Булу-нғур ҳаёти” газетаси бош муҳаррири Фулом Оромов. — Буни Булунғур тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина матбуотга қар-тилган юксак эътибор ҳақида айтмоқчиман. Бир пайтлар “Булунғур ҳаёти” газетаси тах-ририятга эски бинада жойлашган, жиҳозлари ҳам бир ахволда эди. 2017 йилда янги бино куриб берилди. Бугун бундан руҳланган ҳол-да, ислохотлар жараёнида фаол иштирок этяп-миз. Давлат раҳбарининг биз, журналистларга

Тан олиш керакки, бугун ислохот кириб бормаган бирон оила, қишлоқ, маҳалла, туман қолмади. Имконият, имтиёз, ўзгариш ҳамда янгиликларга ўрганиб қолдик, кўникдик, табиий қабул қила бошладик. Шундай кезларда бу яхшиликлар ортида мамлакат раҳбарининг халқига бўлган меҳрибонлиги, эҳтироми, ғамхўрлиги ва ўз навбатида, машаққатли меҳнати ҳам борлигини унутмаслик керак. Зотан, қадрга қадр, ҳурматга ҳурмат, эътиборга эътибор билан жавоб бериш халқимизга хос фазилатдир.

Умуман, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 — 2021 йиллар давомида ҳар бир қадами халқ томонига ташланди. Кўплаб чиқарган қарорлари халққа енгилликлар берди. Республика миқёсидаги барча раҳбарларнинг биринчи вазифаси ҳам халқ билан мулоқот қилиш, одамлар розилигига эришиш экани қатъий белгилаб қўйилди...

билдирган ишончи бунда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ҳаётимнинг ярми чет элда ўтган: хо-рижда ўқиғанман, ишлаганман. 2016 йилдан бошлаб, юртимизда тadbirkорлик қиляпман, — дейди “Turbo hugeinc” қўшма корхонаси раҳбари Бекзод Жамолов. — Шу ўринда “Нима учун айнан икки минг ўн олтинчи йилдан?” деган ҳақли савол тўғилиши мумкин. Чунки Ўзбекистонда бизнес йўлида катта ғов бўлиб келган конвертация очилди. Шавкат Мирзиёев бу муаммони ҳал қилди. Унгача бизга “кон-вертация очилса, осмон узулиб ерга туша-ди”, деб тушунтиришарди. Қанчадан-қанча хо-рижлик инвесторлар айнан конвертация му-аммоси боис Ўзбекистонга ўз бизнесини оч-масдан қайтиб кетган. Бу глобал муаммо та-раққиётимизга тушов эди. 2017-2018 йилларда конвертация ҳал этилгандан сўнг чет элдан инвесторлар топдим. Улар Ўзбекистондаги ижобий инвестиция муҳитини кўриб, такли-фимизга рози бўлди. Натижада 4 миллион долларлик лойиҳа асосида қўшма корхона таш-кил этдик. Бугун корхонамизда 100 га яқин жомбойликларни иш билан таъминлаганмиз.

— Сўнгги беш йилда тиббиёт соҳаси ри-вожланди, янгиликлар кириб келди. Қаранг-ки, бугунги кунда интернетда ёки хорижга бор-ганимизда кўрадиган тиббий жиҳозларни, ас-боб-ускуналарни ишлатмоқдамиз, — дея таъ-кидлайди Самарқанд шаҳар тиббиёт бир-лашмаси марказий шифохонаси бошлиги Аҳмаджон Бобонозов. — Ҳиндистонда бажарилдиган жарроҳлик амалиётини ҳозир Самарқандда ҳам уудалашмоқда. Оддий халққа сифатли тиббий хизмат яқинлашти-рилди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марка-зида 7 нафар беморда буйрак кўчириш амалиёти бажарилди. Ҳозир туманларда ҳам йўлга қўйлаётир.

Ўтган йили Самарқанд шаҳридаги COVID-19 марказига германиялик ҳамкасбларимиз келди. Улар беморларни даволаш учун маблағни ким ажратаётганини сўради. Барча харажат давлат томонидан қопланаётганини айтганимизда улар ҳайратини яширишолмади. Бизга шундай имко-ниятларни яратиш берганликлари учун давлат раҳбаридан миннатдормиз.

— 23 йилдан буён ёнғоқни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланиб келаман. 2017 йилда иш фаолиятимизни кенгайтириб, ушбу корхонага асос солдик. Натижада экспорт қилиш имконияти пайдо бўлди. Ҳозир 10 га яқин давлатларга ёнғоқ экспорт қиляп-миз, — дейди “Pichokchi dry fruits” МЧҲ раҳ-бари Толибхон Абдулжалилов. — Корхонами-зинг уй шароитида фаолият олиб бориши хисобга олиниб, логистика маркази куриш учун 2 гектар, ёнғоқ маҳсулотлари экиш ва этиштириш учун эса 30 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерга Туркиядан келтирилган кўчатларни екканмиз. Ўттиз кишини доимий иш билан таъминладик, мавсумда эса яна 100 нафар ҳамқишлоғимизни жалб қиламиз. Келгуси мавсум учун янги лойиҳаларимиз бор, у амалга ошгач, доимий ишчиларимиз сони-ни 100 нафарга етказамиз.

— 2016 йилгача Нурободда саноат корхо-наси деярли йўқлиги сабабли ишсизлик да-ражаси юқори, одамлар қийин ахволда эди, — дея хотирлайди “Migankul group” корхонаси ишчиси Ҳалимжон Қурбонов. — Бугун Нуробод саноатлашган туманга айланмоқда, кундан-кунга тараққий этмоқда. Аҳоли, жум-ладан, ёшларда эртанги кунга умид, ишонч пайдо бўлди. Минглаб иш ўринлари очиляп-ти, инфратузилма яхшиланаётир.

“Сендвич-панел”лар ва бошқа енгил металл конструкциялар ишлаб чиқариш билан шуғуллан-увчи корхонамизда ишчиларнинг 80 фоизини ёшлар ташкил этади. Маҳсулотимиз, асосан, Сингапур, Япония, Туркия ва Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилинади.

Бугун бизга фарҳ-ифтихор бағишлаётгани нафақат туман маркази, ҳатто, чекка қишлоқ-ларимизда ҳам ободлик, бунёдорлик ишла-ри ажвиди. Булар барчаси инсон қадри учун йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

“Ипак йўли” туризм халқаро университети биринчи проректори, профессор Жўлибой Элтазаровнинг таъкидлашча, мамлакатимизда 2016 йилгача олий таълим муассасалари сони 68 та эди. Бугунги кунда улар сони 144 тани ташкил қилмоқда. Яъни беш йил ичида икки баробар кўпайди. Шу билан бирга, ўқитувчилар қадр-қиммати ҳам, маоши ҳам оширилди. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан минтақада ягона “Ипак йўли” туризм халқаро университе-ти очилди. Таълим муассасасига ташиф буюр-ган хоҳ осиблик, хоҳ европалик, хоҳ америкалик бўлсин, бу ердаги шарт-шарматга юқори баҳо беради. Ўқитувчи ва қадрларни саралаб олишда етакчимизнинг кўрсатмаларига амал қилиб, дунёнинг турли бурчагидан 16 нафар соҳа му-тахассиси тақлиф этилди. Бугун ишонч билан айтиш мумкин, муассасадан мамлакатимизда туризм ва маданий мерос соҳасини халқаро даражага кўтарадиган етук кадрлар етилиб чиқади. Асосий мақсад ҳам шу.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори, профессор,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

узлуксиз жараён ва у Тараққиёт стратегиясининг асосини ташкил этади



Инсон ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қимма-ти. Бу жумлалар ўтган беш йил да-вомида амалга оши-рилган ислохотлар силсиласида тез-тез тилга олиниб, мам-лакатимизда инсон ҳуқуқларини таъмин-лаш ва кафолатлаш борасида муҳим қадамлар қўйилиши-га эришилди. Жум-ладан, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш жараёнига янги механизмларнинг татбиқ этилиши орқали қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни қарор топтириш, аҳолини қўйнаб келган муаммоларни ҳал қилиш, қий-ноқларнинг олдини олиш, очкичлик ва шаффофликни таъ-минлаш, сўз эркинлигини мустаҳкамлаш каби қатор йўналишлар бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Энг муҳими, ушбу ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилиб, қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Ўзбекистоннинг илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайлангани ҳам беш йиллик ислохотларнинг амалий натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида ҳам айни жиҳатларга тўхталиб ўтилди.

Давлат раҳбари Ўзбекистоннинг кейинги беш йиллик йўли ҳақида нутқ сўзлар экан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини илгари сурди. Ушбу стратегиянинг мамлакатимиз ривожланишининг турли соҳаларини қамраб олиб, “инсон — жамият — давлат” деган янги тамойил асосида қурилгани муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, ушбу стратегиянинг биринчи йўналиши сифатида эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо қилиш, ҳақ қадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни янги поғонага кўтариш белгилаб олинди.

Президентимиз нутқида миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши ва шу асосда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтириш ва бунинг учун келгусида давлат функцияларининг катта қисми марказдан ҳудудларга ўтказилиши таъкидланди.

Шу ўринда Омбудсманга келиб тушаётган муурожаатлар таҳлилга тўхталадиган бўлсак, аҳоли томонидан кўтарилган масалаларнинг кўпчилиги айнан қўйи ижро органларининг эътиборсизлиги оқибатида юзага чиқаётгани ойдинлашади. Кўп ҳолларда улар Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг аралашуви билан юқори органга юборилган муурожаатдан кейингина ҳал этилмоқда. Маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммолар ечими борасидики роли ва масъулиятини янада кучайтириш орқали эса масалани маҳалладан чиқмасдан ҳал қилишга катта замин яратилди.

Қайд этиш лозимки, шу йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тadbirkорлари тўғрисида”ги Президент Фармонига мувофиқ, Омбудсманнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлидаги ҳудудлардаги фаолияти янада кучайтирилади. 2022 йилнинг 1 январидан Омбудсманнинг минтақавий вакиллари доимий асосда фаолият юритиб, аҳолининг муаммо ва масалаларини бевосита жойида тезкорлик билан ҳал этилишига эришилади. Қолаверса, фуқаролар вақт ва маблағ сарфлаб пойтахтга, Омбудсман қабулига келиб, овера бўлишига ҳоҳат қолмайди.

Давлат раҳбари айтганидек, бундан буён ҳар бир ҳудуд, соҳа ва тармоқ фаолиятига уларда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай таъминланаётганига қараб баҳо берилиши эса шубҳасиз, муаммоларнинг жойида ҳал этилиши ва халқни рози қилишга шaroит яратиши. Шу нуктаи назардан ҳам раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Тараққиёт стратегияси доирасида Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнини демократлаштириш ва уларнинг иросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга ҳам устуворлик берилмоқда.

Қолаверса, парламент томонидан мамлакатимиз бўйича муурожаатлар билан ишлаш ҳолатини назоратга олиш, жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисоботини эшитиш ва унинг натижасига мувофиқ, уларга нисбатан таъсирчан чоралар қўриш механизмининг амалга оширилиши орқали ижро ҳокимияти устидан халқнинг ишонли вакиллари ҳисобланган сенатор ва депутатлар назорати ўрнатилишига эришилади. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳам парламент назорати субъекти сифатида ушбу жараёнда фаол қатнашиб, парламент палаталари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Жумладан, ҳамкорликда муурожаатлар таҳлили ва ўтказилган мониторинг таширфлари орқали мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг эшитувлари, сайёр қабуллар ташкил этиш мақсадаги мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтганда, давлат раҳбари таъкидлаганидек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз қучур англашмиз, бу йўналишда хали бажариладиган ишлар кўп эканини доимо ёдда сақлашимиз ва шунга қараб интилишимиз зарур.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

ТОШКЕНТДА ДУНЁ ШАХМАТЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН КУРАШИШАДИ



Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилдан эътиборан Тошкентда анъанавий тарзда Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун халқаро шахмат турнирини ўтказиш белгиланган. Ўзбекистонда ilk бор ташкил этилиши режалаштирилган ушбу халқаро мусобақа жорий йилнинг 10 — 19 ноябр кунлари бўлиб ўтади.

Жаҳон шахмат оламида “Ўзбекистон Президентини соврини” халқаро турнири мақомига эга бўлган мусобақада дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатларидан маҳоратли гроссмейстерлар иштирок этиш истагини билдирди, дейилади Ўзбекистон шахмат федерацияси матбуот хизмати хабарида.

Хабарда айтилишича, Тошкентда ўтадиган шахмат “жанг”ларида Ўзбекистоннинг таниқли гроссмейстери Рустам Қосимжонов билан Санан Сюгиров, Максим Чигаев, Павел Понкратов, Михаил Кобаллиа, Вадим Звягинцев, Максим Матлаков (Россия), Шант Саргсян (Арманистон), Эхсон Гаемамаги (Эрон), Вячеслав Зарубицкий (Беларусь), Ханс Ниeman (АҚШ), Александр Моисенко, Антон Ситников, Виктор Дмитренко, Дмитро Мишчук (Украина) каби номдор спортчилар қатнашиши кутилмоқда.

Ун кун мобайнида бўлиб ўтадиган шиддатли шахмат мусобақаларини фаластинлик Ансуи Ражаи, россиялик Михаил Криуков, беларуслик Владимир Полей, арманистонлик Ашот Вардапетян, тожикистонлик Илҳом Юнусов каби халқаро миқёсдаги ҳакамлар билан юртимизнинг бир қатор ёш шахмат ҳакамлари ҳам бошқариб боришади.

Халқаро турнир дастурига биноан 11 ноябр кунлари бляс турнир ташкил этилса, 13, 14 ва 16 ноябр кунлари иштирокчилар иккитадан турда голиблик учун ўзаро донa суришлари белгиланган.

Тошкентда уюштирилаётган халқаро шахмат турнирида 2021 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, ФИДЕ рейтингини 1 800 балл ва ундан юқори очкога эга эркаклар ҳамда ФИДЕ рейтингини 1 600 ва ундан юқори балл соҳибаси бўлган аёллар иштирок этиши мумкин.

Мусобақанинг умумий соврин жамғармаси 120 минг АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу, Ўзбекистон тарихидаги энг юқори соврин жамғармасига эга шахмат турнири эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Тошкентда ўтадиган “ақл гимнастикаси” мусобақалари дунё шахмат оламининг ақин йилларидаги ёрқин юлдузларини камолга етказадиган кенг майдон бўлиб танилишдан ташқари, Ўзбекистоннинг жаҳон шахматидидаги обрў-эътибори ортисида салмоқли ҳисса қўиши, шубҳасиз.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ИХТИРО ҚИЛИНГАН ЧИГИТНИ САРАЛАШ УСКУНАСИ ТУРДОШЛАРИДАН ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИККА ЭГА?

Қишлоқ хўжалигида уруғларни экишга тайёрлашда турли ускуна ва қурilmалардан фойдаланиш талаб этилади. Аммо юртимиз деҳқонлари фойдаланадиган ускуналар базми камчиликлардан холи эмас. Уларнинг уруғларни саралаш даражаси пастлиги, электр энергиясини кўп талаб қилиши, таннархининг қимматлиги шулар жумласидан.

Изланиш

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва илмий-тадқиқот институтини профессор А. Юсубалиев ҳамда Бухоро муҳандислик-технология институтини профессори Н. Баракаев раҳбарлигида доцент П. Шойимов ва мустақил излаувчи Б. Муродов томонидан яратилган чигитни дизеллектрик саралаш ускунаси айни муаммоларнинг оқилона ечими бўлди, десак, хато бўлмайди.

— Бухоро вилоятида баҳорги экиш мавсуми учун 20 минг тоннага яқин уруғлик чигит тайёрланади, — дейди доцент П. Шойимов. — Уруғлик сарфи гектарига ўртача 50 — 70 килограмм, айрим ҳолларда ҳатто 75 — 80 килограммга етмоқда. Бу эса илмий тавсия қилинган миқдордан 2-3 марта, АҚШ ва Хитой пахтачилигига сарфланадиган чигитга нисбатан 5 — 10 марта кўп. Нисбат чигит сарфининг кўпчилигига уруғ сифатининг пастлиги сабаб бўлмоқда. Айрим йилларда уруғлик чигитнинг 30 — 40 фоизга юқори сифатли биринчи нав талабларига жавоб беради, холос. Қолган қисминини эса паст сифатли иккинчи ва учинчи навлар ташкил этади. Айнан мана шундай уруғликнинг таркибидида 10 фоиз ва ундан кўпроқ пуч, пишиб етилмаган, механик шикастланган чигитлар бор. Улар тупроққа тушган, умуман униб чиқмайди. Униб чиққан тақдирда ҳам касалликка тез чалинувчан бўлади. Оқибатда ҳосилдорлик ҳам, тола сифати ҳам пасасди.

Янги қурилма афзалликлари са-



ралаш даражаси аниқлиги юқорилигида, электр энергиясини нисбатан кам талаб қилишида, сараланган чигитни дориламасдан экиш имкони мавжудлигида, шунингдек, чет элдан валюта эвазига олиб келинадиган кимёвий дориларга эҳтиёж йўқлигида намоеён бўлади. Қурилма учун кам миқдорда материал ишлатилиши, уни тайёрлаш соддалиги ҳам устун жиҳатларидандир. Иш унумдорлиги эса юқори. Бир соатда 4 тонна туқли, 6,5 тонна туқсиз чигитни саралаш мумкин.

Айтиш жоизки, жорий йилда Гиждувон, Ромитан, Олот туманлари фермер ҳўжалиқларида икки барабанли қурилма ёрдамида сараланган уруғ дориланмасдан экилди. Натижада ҳосилдорлик гектарига ўртача 3,3-4,6 центнерга ошгани кузатилди.

Дарвоқе, яқинда бўлиб ўтган “Bukhara IT-Expo” кўргазмаси иштирокчиларида мазкур инновацион қурилма катта қизиқиш уйғотди.

Истам ИБРОХИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Биз ва жаҳон АВСТРИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Австрия Республикаси Европа ва ташқи ишлар вазири М. Линхард бошчилигидаги делегация 7-8 ноябр кунлари мамлакатимизда бўлди.

Ташрифнинг биринчи куни делегация аъзолари Самарқанд шаҳрида бўлиб, тарихий-меъморий обидалар билан танишди.

8 ноябр кунини Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов М. Линхард бошчилигидаги Австрия делегацияси билан учрашди.

Мулоқотда сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги конструктив ҳамкорлик янги босқичга чиққани қайд этилди. Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни фаоллаштиришга тайёр эканини билдирди. Шунингдек, Афғонистонда юзага келаётган вазият, унинг минтақавий ва халқаро барқарорлиққа

таъсири юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилиги ва Австрия Республикаси Европа ва ташқи ишлар вазирилиги ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Музокара якунида оммавий ахборот воситалари вакилларига учрашув тафсилотлари ҳақида қисқача маълумот берилди.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлик суриятидан мамнунимиз. Ўйлаيمانки, бунини янада ошириш учун салоҳият етарли. Мамлакатингизга Австриянинг етакчи ишбилармонлари билан келдик. А. Комилов билан учрашувда барча соҳадаги масалаларни муҳокама

қилдик. Афғонистондан фуқароларни эвакуация қилишда берилган кўмак учун Ўзбекистонга миннатдорлик билдирадим, — деди Европа ва ташқи ишлар вазири М. Линхард.

Шу кунини пойтахтимизда Ўзбекистон — Австрия бизнес форуми бўлиб ўтди. Форумда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳияти, хорижий инвесторларга яратилган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умурзоқов австриялик ишбилармон доира вакиллари билан қатор йўналишларда ҳамкорлик кенгаётганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилдагига нисбатан 40 фоизга ошиб, қўшма

корхоналар сони анча кўпайган. Форумда Австрия томонини энергетика, кимё ва нефть-газ каби соҳаларда ҳамкорлиқни кенгайтиришга қизиқиш билдирди.

Форум 12 ноябрда давом этади. Унда Австриянинг 30 дан ортиқ компаниялари иштирок этмоқда. Тадбирда хусусий секторни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади, тренинг ва музокаралар ўтказилади. Якунда қўшма инвестиция лойиҳалари ва келишувлар имзоланади.

Австрия делегацияси Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ҳам бўлиб, муассаса фаолияти, бу ердаги ноёб кўлэмалар билан танишди.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ МОДА РИВОЖИДА ЭТНОГРАФИК ҚИЁФАНИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРГАН КАМ СОНЛИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИДИР»



Нидерландиянинг “Diplomat Magazine” журнали веб-сайтида “Ўзбек юксак мода дипломатиясининг улғуворлиги” сарлавхали мақола эълон қилинди.

Унинг муаллифи Ўзбекистон ҳақида сўз юритилганда, биринчи навбатда, юксак мода дипломатияси ҳаёлга келмаслиги мумкин, бироқ яқинда Ўзбекистоннинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси томонидан ташкил этилган иккита ранг-баранг модалар намойиши Европа кенг жамоатчилигининг катта қизиқишини уйғотди, деб ёзади.

Мақолада жаҳон ҳамжамияти мода халқаро муносабатларда юмшоқ куч сифатида муҳим ўрин эгаллаганини англаб етаётгани ҳақида сўз юритилади. Кийим-кечак ҳам спорт, пазандалик ва санъат тур-

лари каби миллий ўзига хосликнинг ёрқин хусусиятларини ифодалайди.

Нашир “юқори мода дипломатияси” феномени узок вақтлардан бери маълумлигини таъкидлайди. Ушбу тушунчанинг бадий жиҳатлари бугунги кунда Маданият ва Ташқи ишлар вазирилигининг миллий брендларини тарғиб қилишдаги асосий стратегик йўналишларидан бирига айланган.

Юксак мода тармоғи сиёсий музокаралар ва давлатлараро муносабатларда ҳам тобора салмоқли ўринга эга бўлмоқда. Муаллиф Ўзбекистон элчихо-

ХАЛҚ АМАЛИЙ САЊЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда III Тошкент халқаро амалий санъат биеннаlesi бошланди.

Биеннале

Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда миллий амалий ва безакли санъатимизни янада ривожлантириш, ёшларнинг бадий диди ва тафаккурини юксалтиришга оид ижодий лойиҳалар муттасил қўллаб-қувватланаётгани таъкид-

ланди. 2017 йилдан бошлаб ўтказиб келинаётган халқаро амалий санъат биеннаlesi бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётир. Бу йил биенналеда Озарбайжон, Тожикистон,

Қозғистон, Россия, Беларусь, Украина, Болгария, Франция, Италия, Швеция, Австралия, Кения каби ундан ортиқ мамлакатлардан жами 64 нафар амалий санъат устаси қатнашапти. Юртимиздан эса 100 дан зиёд амалий санъат усталари ўз ижодини намойиш этмоқда.

Ҳафта давомида пойтахтимизда Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар зали, Иқуо Хираяма халқаро ма-

даният қарвонсаройи, Тошкент фотосуратлар уйи, Қамолитдин Бехзод номидидаги Шарқ миниатюра санъати музейи ҳамда Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида ўтадиган ушбу халқаро биеннале дастуридан замонавий ўзбек ва хориж безак санъати, миллий қўлчилик, ҳаётотлик ва миниатюра асарлари кўргазмалари ўрин олган.

«Дунё» АА.
Брюссель

«Халқ сўзи».

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ – ГЛОБАЛ МУАММО

Мамлакатимизда вазият қандай?

Эколог мутахассислар томонидан глобал иқлим ўзгариши, шу жумладан, музликларнинг эриши ва денгиз сатҳининг кўтарилиши натижасида ўртача илмий ҳароратнинг юқорилаётгани ҳақида маълумот тақдим этилди.

Таҳлил ва тақлиф

Унга кўра, исийшдан ташқари барча табиий тизимларда номунасосиблик мавжуд бўлиб, бу ёғингарчилик шакллари ўзгаришига, ҳарорат аномалиялари ва бўрон, тошқин ва қуроғчилик каби ҳодисалар частотасининг кўпайишига олиб келмоқда.

Олимларнинг фикрига кўра, 2015 йилнинг ун ойи давомида Сийёрамизнинг ўртача ҳарорати XIX асрдан қайд этилганидан 1,02°C юқори бўлган. Бир даражанинг чегараси замонавий тарихда биринчи марта ошиб кетган. Айнан инсон фаолияти — нефть, газ ва кўмирни ёқиш, шунингдек, “иссиқхона газлари”нинг таъсирлари ўртача ҳароратнинг ошишига олиб келган.

Таъкидланишича, 2000 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда “иссиқхона газлари” чиқиндиларининг сўнгги 30 йил ичиди энг кучли ўсими кузатилган, 2014 йилда эса уларнинг атмосферадаги концентрация-

бўйлаб ёғингарчиликлар миқдори ошиши билан бирга, қишлар ичкарисида қуроғчиликлар юз беради, дея қўтилмоқда. Ёғингарчиликларнинг кўпайиши эса денгиз сатҳларининг кўтарилиши билан бирга тошқинлар эҳтимолини қўқайтиради.

Инсонлар ҳолатига доимий таъсир қилиб турадиган иссиқ ва совуқ иқлимнинг ҳам таъсири каттадир. Масалан, Ўзбекистон шароитида ёзги 40 кунлик чиллада, ҳарорат Тошкент шароитида кундуз 45 — 50°C гача кўтарилиши, тунда 28 — 30°C дан пастга тушмайди.

Саноат корхоналари ва мажмуалари табиий муҳитга таъсир этиб, турли даражадаги маҳаллий экосистемаларнинг таркиби топиши ва шаклланишига шароит яратади. Бундан саноат корхонаси атрофида халқасимон бир неча экосистем минтақалари ташкил топади. Аниқланишича, рангли металлургия корхоналарининг атроф-муҳитга таъсир радиуси 60 км. масофагача ёйилар экан. Демак, улар атрофида танг, кескин ва ўртача экосистем даражаларига эга бўлган минтақаларни ажратиб лозим. Бундай даражаларни Фарғона, Олмалик, Қувасой, Навоий, Чирчиқ ва бошқа шаҳар-

лардаги саноат корхоналари атрофида ажратиб жоиз.

Сўнгги тўрт йилда республикамизда ҳам саноат корхоналари 2 баравар ортиб, шаҳарларда чангаз миқдори меъёрдан 4 баравар ошди. Атмосферага ташламаларнинг 90 фоизи Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, Навоий, Бухоро, Чирчиқ, Ангрэн, Олмалик, Бекобод, Гулистон ва Нукус шаҳарларига тўғри келади. Шу билан бирга, худудларда яшил майдонлар 3-4 баравар қисқариб, ўртача 8 фойздан камайиб кетди. Ер усти ва ер ости сув сатҳининг кескин пасайиши ҳам экологик вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Худудларда маиший чиқиндиларни хусусий шериклик асосида бошқариш бўйича режаланган 62 та лойиҳадан бори-йўғи 15 тасига тадбиркорлар жалб қилинган. Бу борада Бухоро, Наманган, Фарғонадан ташқари бошқа бирорта худудда ишлар якунига етказилмаган.

Табиий компонентларнинг айрим гуруҳлари билангина боғлиқ бўлган экосистем, қўпична тупроқ, ўсимлик ёки атмосфера ҳавоси билан сув-

Х МИЛЛИЙ АХБОРОТ- КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “INFOLIB UZBEKISTAN — 2021” X Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ахборот-кутубхона марказлари кутубхоначилари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Маънавият



Таъкидланганидек, ҳафталиқнинг мақсади — замонавий талабларга жавоб берадиган муваффақиятли кутубхона-ахборот фаолияти учун зарур бўлган шахсий ҳамда касбий компетенцияларни, билим, тажриба ва қўникмаларни ривожлантириш учун шароит яратиш, ёш кутубхона мутахассислари орасида касбнинг обрўсини ошириш ва жамиятда кутубхоначи ҳамда кутубхоналарнинг ижобий имижини яратишдан иборатдир.

Шунингдек, тадбир кутубхона ишини ташкил этишда инновацион лойиҳаларни соҳага татбиқ қилиш учун ёшларнинг касбий фаоллигини рағбатлантиришни ҳам кўзлайтиди.

Ҳафталани “Рақамли асрда ахборот-кутубхона фондлари: натижа ва истиқболлар”, “Янги Ўзбекистон ифтихорлари”, “Мўлолаа — инсон маънавий дунёсининг муҳим мезони”, “Ҳайрат ила мўлолаа”, “Сиз учун газета — бу...”, “Марказий Осиё минтақаси мутахассисларининг соҳага оид медиа-ахборот омилкорлигини шакллантириш” сингари қатор мавзуларни ўз ичига олган. Тадбир давомида ёзувчи ва шоирлар, музавирлар, режиссёрлар, ёшлар ҳамда бир қатор халқаро танловлар голиблари билан учрашувлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

— Ёшларнинг бахту камоли, осоийиш ва фаровон ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди, — дейди Турон Фанлар академияси вице-президенти Хожияқбар Хамидов. — Ҳар йили ўтказиб келинаётган Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ёшларга адабиёт, мусиқа, ахборот-коммуникация технологиялари, тасвирий санъат соҳаларида қўшимча билим олиш, уларнинг ижодий қобилиятини аниқлашга ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини яхшилаш, уларда илгор технологиялар ва тажрибани жорий этиш, оммалаштиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).



нинг деградацияси ёхуд ифлосланишига бориб тақалади. Демак, экосистем бир неча табиий омилларнинг зарарланиши билан боғлиқ. Бундай шароит инсон саломатлигига таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Инсон организми қўллаб табиий-физикавий оғирлик таъсирларини қўтарида ва енгади. Физикавий оғирлик ҳаддан ошган кетганда эса чарчаганини сезади, бутун тана, инсон ақл-идроки, мушаклари чарчади ва ортиқча ишлаш фойда бермайди. Шу жаёнда танада сув, озуқа ёки ҳавонинг етишмаслиги кузатилади. Табиийки, бу омиллар инсоннинг чидамлилиқ даражасини камайтиради. Шунинг учун ҳар бир инсон ўзи яшаб турган муҳитга берафқ бўлмаслиги ва уни ҳамиша тоза ҳолатда сақлашга ҳаракат қилиши катта аҳамиятга эга.

Шерзод ХАЛИЛЛАЕВ,
Мирзо Уллубек номидидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқоллар 71-232-11-15.



Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6